

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА
ТРАУМЕЛЬ С
TRAUMEEL® S

Препаратнинг савдо номи: Траумель С

Дори шакли: инъекция учун эритма

Таркиби:

1 ампула 2,2 мл (= 2.2 г) куйидагиларни саклайди:

фаол моддалар:

| | | |
|------------------------------|----|---------|
| Бўймодарон | D3 | 2,20 мг |
| Доривор мойчечак | D3 | 2,20 мг |
| Доривор Окопник | D6 | 2,20 мг |
| Кўк Парпиўт | D2 | 1,32 мг |
| Доривор Белладонна | D2 | 2,20 мг |
| Кўп йиллик Маргаритка | D2 | 1,10 мг |
| Доривор тирноқгул | D2 | 2,20 мг |
| Эхинацея | D2 | 0,55 мг |
| Қизил Эхинацея | D2 | 0,55 мг |
| Далачой | D2 | 0,66 мг |
| Гепар сульфур | D6 | 2,20 мг |
| Ганеман бўйича эрувчан симоб | D6 | 1,10 мг |
| Гамамелис виргиниана | D1 | 0,22 мг |
| Тоғ Арникаси | D2 | 2,20 мг |

Ёрдамчи моддалар: натрия хлорид, инъекция учун сув.

Таърифи: Траумель С – рангсиз тиниқ эритма шиша ампулаларда.

Фармакотерапевтик гурухи: яллиғланишга қарши касалликларни, таянч-харакат аппарати касалликларини даволаш учун бошқа дори препаратлари.

Код АТХ: VO3AX

Фармакологик хусусиятлари

Маълумотлар йўқ.

Фармакокинетика

Маълумотлар йўқ.

Қўлланилиши

Пайлар чўзилишида, пай ва боғламлар зўриқишда, суяк синиши ва дарз кетишда, юмшоқ тўқималарнинг жаррохликдан кейинги ва посттравматик яллиғланишида, турли орган ва тўқималар, шунингдек таянч-харакат аппарати яллиғланишларида (тендовагинит, бурсит, стилоидит, эпикондилит, периартрит, артроз) қўлланиладиган гомеопатик дори препарати.

Қўллаш усули ва дозалари

Стандарт доза:

Катталар ва болалар (12 ёшдан): хафтасига 1 дан 3 мартагача 1 ампуладан.

Касалликнинг ўткир шакллари ва эрта даволаш учун доза:

Катталар ва болалар (12 ёшдан): кунига 1 ампуладан, сўнгра стандарт схема бўйича давом эттирилади.

Болалар учун стандарт доза:

6–11 ёшгача: ҳафтасига 1-3 марта $\frac{2}{3}$ ампула.

2–5 ёшгача: ҳафтасига 1-3 марта $\frac{1}{2}$ ампула.

Касалликнинг ўткир шакллари ва эрта даволаш учун доза:


6–11 ёшгача: кунига $\frac{2}{3}$ ампула, сўнгра стандарт схема бўйича давом эттирилади.

2–5 ёшгача: кунига $\frac{1}{2}$ ампула, сўнгра стандарт схема бўйича давом эттирилади.

Қўллаш усули

Траумель С инъекцияси т\о, т\и, м\и, б\и ёки в\и юборилади.

Шиша ампулаларни очиш бўйича йўриқнома:



Эҳтиёт бўлинг. Йўриқномага қатъий риоя қилинг. Шиша ампулани кесишга зарурат йўқ. Ампулани бурчак остида суюқлик ампулани пастки қисмига оқиб тушиши учун қалпоқча қисмини тепага қаратиб ушланг. Ампула бош қисмини рангли нуқтага босиб синдириг. Шишадаги ҳар қандай қолдиқлар утилизация қилиниши керак.

Ножўя таъсирлар

Барча дори воситалари каби ушбу дори воситаси ҳам кам ҳолларда ножўя таъсирлар чақириши мумкин.

Препаратнинг компонентларига юқорисезувчанлик. Аллергик реакциялар (тери тошмаси, инъекция юборилган жойда қизариш/шишиш, анафилактик шок) жуда камдан-кам (10000:1 ҳолатларда) юз бериши мумкин.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Фаол моддаларга, шу жумладан тоғ арникаси, доривор календула, доривор мойчечак, эхинацея, дасторбош оддий, дасторгул кўп йиллик маргаритка каби мойчечаклар оиласига мансуб ўсимликларга, ёки ҳар қандай ёрдамчи моддаларга юқори таъсирчанлик.

Дориларнинг ўзаро таъсири ва бошқа таъсир шакллари

Аниқланмаган ва ушбу дори воситаси гомеопатик аралашма бўлганлиги сабабли кутилмайди. Агар бошқа дори воситаларидан фойдаланаётган бўлсангиз, яқинда фойдаланган бўлсангиз ёки фойдаланишни режалаштираётган бўлсангиз, бу ҳақида шифокорга ёки фармацевтга хабар берин.

Махсус огоҳлантиришлар

Мавжуд эмас.

Ҳомиладорлик, лактация ва репродуктив давр

Ҳомиладор ва эмизикли аёлларда клиник тадқиқотлар ўтказилмаган. Ушбу дори воситаси гомеопатик аралашма бўлганлиги сабабли, дори воситасининг таркибий моддалари ҳомиладорлик ва лактация даврида салбий таъсир кўрсатмайди.

Агар ҳомиладор бўлсангиз, кўкракдан эмизаётган бўлсангиз ёки ҳомиладор бўлишни режалаштираётган бўлсангиз, ушбу дори воситасини қабул қилишдан олдин мутахассис билан маслаҳатлашинг.

Автомобиль бошқаришга ва диққат-эътиборни талаб қилувчи соҳаларга таъсири

Таъсир кўрсатмайди.

Дозани ошириб юборилиши

Бирорта ҳам дозани ошириб юборилиш ҳолатлари қайд этилмаган ва бу дори воситаси гомеопатик аралашма бўлганлиги сабабли кутилмайди.

Чиқарилиш шакли

Белгиланган очиш тизимилик I типдаги гидролитик шиша ампуласи.
Ўрам: 5 ёки 100 ампуладан.

Сақлаш шароити

30°C дан юкори бўлмаган хароратда сақлансин.
Дори воситаси қоронғу ва болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

5 йил.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецепт буйича

Ишлаб чиқарувчи

ГУВОҲНОМА ЭГАСИ

Biologische Heilmittel Heel GmbH

Dr.-Reckeweg-Str. 2-4

76532 Baden-Baden,

Germany

Tel.: +49 72 21 / 501-00

Fax: +49 72 21 / 501-210

E-Mail: info@heel.com

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги дори воситасининг сифатига тегишли шикоятлар (таклифлар)ни қабул қилувчи ташкилотнинг манзили ва номи:

МЧЖ “Business Excellence Consulting”

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри 100015

Ойбек кўч. 24 уй

Тел. +99871 281 46 35